



Бухородаги архитектура ёдгорлиги. Қадимги шаҳристоннинг жанубида қурилган. Масжид ўрнида дастлаб оташпарастлар ибодатхонаси бўлган. Ибодатхона атро-фи пастроқ ерга жойлашган ва унинг ёнида бозор бўлган (форсча магоки — чуқурлик номи ҳам шундан). Вакт ўтиши билан масжид қўмилиб кетган. 1934—1935 йиллари В.А.Шишкін раҳбарлигида археологик қазилар ўтказилди. Масжид, айниқса, унинг жанубий пештоки фақат Бухоронинг эмас, балки бутун Марказий Осиё бадийи маданиятининг қимматбаҳо ёдгорлиги сифатида қадрланади.